

ҚАРШИ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ

Э Ё Л О Н И

- Танлаш ўтказиш шакли: Танлаш ўтказиш тўғрисидаги мазкур эълонда кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилади.
- Давлат буюртмачиси: Қарши тумани Халқ таълими бўлими (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади).
- Харид предмети: Қарши тумани Халқ таълими бўлимига қаршли №9 сон умумтаълим мактаби иситиш тизимини жорий таъмирлаш
- Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шарти: 116 972 000 (бир юз ўн олти миллион тўққиз юз етмиш икки минг) сўм. Шундан ҚҚС: 15257217 (ўн беш миллион икки юз эллик етти минг икки юз ўн етти) сўм. Ишларни бажариш муддати шартнома имзолангандан сўнг 48 кунгача
- Молиялаштириш манбаи ва валютаси: Бюджет маблағлари. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида.
- Тўлов шартлари: Шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилади ва таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг, қолган 70 фоизи тўлаб берилади.
- Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили: Қарши тумани Халқ таълими бўлими (ХТБ)
- Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс: Эгамбердиев Улугбек. Тел: +99891-219-52-06. Қарши тумани, Бешкент шаҳри
- Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт: Таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан сўнг, камида беш иш куни давомида, соат 9-00 дан 18-00 га қадар махсус ахборот парталининг "etender.uzex.uz" харид тизими (электрон манзили) бўйича қабул қилинади.
- Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар: Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган дастлабки малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади; таклифларни таъминлаш учун иштирокчининг товар хом ашё биржасидаги махсус ҳисоб рақамида закалат тарзида харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ харид предмети бошланғич нархи жами суммасининг 3% миқдоридаги маблағи бўлиши шарт

Қарши тумани Халқ таълими бўлими мудираси

Қарши тумани Халқ таълими бош ҳисобчиси



М. Юсупова

А. Хусинов



ТЕХНИК ТОПШИРИҚ


Қарши тумани Халқ таълими бўлимига қарашли №9 сон умумтаълим мактаби иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишлари бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ МАЗМУНИ	ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ
Танлаш ўтказиш шакли:	Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилади.
Давлат буюртмачиси:	Қарши тумани Халқ таълими бўлими (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади).
Давлат буюртмачиси реквизитлари	СТИР: 200688737. ШХР: 100022860102247092100075077. Харажат коди: 4239000
Харид предмети:	Қарши тумани Халқ таълими бўлимига қарашли №9 сон умумтаълим мактаби иситиш тизимини жорий таъмирлаш
Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шarti:	116 972 000 (бир юз ўн олти миллион тўққиз юз етмиш икки минг) сўм. Шундан ҚҚС: 15257217 (ўн беш миллион икки юз эллик етти минг икки юз ўн етти) сўм. Ишларни бажариш муддати шартнома имзолангандан сўнг 48 кунгача
Молиялаштириш манбаи ва валютаси:	Бюджет маблағлари. Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда.
Тўлов шартлари:	Шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз миклориди олдиндан тўлов амалга оширилади ва таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг, қолган 70 фоизи тўлаб берилади.
Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:	Қарши тумани Халқ таълими бўлими (ХТБ)
Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс:	Эгамбердиев Улуғбек. Тел: +99891-219-52-06. Қарши тумани, Бешкент шаҳри
Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:	Таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан сўнг, камида беш иш куни давомида, соат 9-00 дан 18-00 га қадар махсус ахборот парталининг "etender.uzex.uz" харид тизими (электрон манзили) бўйича қабул қилинади.

<p>Танловда иштирок этиш шarti</p>	<p>Танловда иштирок этадиган талабгорлар куйидаги хужжатларни такдим этишлари шарт. -Танлов иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва Гувохномадан, Таъсисчилар ва рахбарнинг Паспорт нусхалари); -Танлов иштирокчиси томонидан, танловда иштирок этишини таъминлайдиган малака хужжатлари; -Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланиладиган махсус техникалари ва машина механизмлари тўғрисидаги маълумотлар; - Танловдаги объектга ўхшаш объектларда иш тажрибасига оид хужжатлар. Шунингдек жорий танлаш объекти ҳолатини ўрганиш; -Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолатини белгиловчи хужжатлар; - Танлов иштирокчиси ишчи ҳодимлари тўғрисидаги маълумотлар; (Иштирокчилар танлов таклифларини махсус ахборот порталида эълон қилинган тартибда танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича электрон тарзда махсус ахборот порталида жойлаштиридилар).</p>
<p>Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:</p>	<p>Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган малака танловида хужжатларни электрон жойлаштирилишида, барча хужжатлар тўлиқ ва сифатли кўринишда бўлиши шарт. Хужжатлар асл нусхалари рангли сканер ҳолатида жойлаштирилади. Барча маълумотлар аниқ кўриниб туриши, шунингдек талабгор рахбар имзо ва муҳрлари билан тасдиқланган бўлиши шарт. Ёлгон ва нотўғри киритилган маълумотлар жойлаштирган (электрон тизим орқали ўрганилиб) иштирокчилар танловдан четлаштирилади. Барча иштирокчилар танловда қатнашишда меъёрий хужжатлар талабларига риоя этишлари шарт. Хужжатларнинг сифат кўрсаткичлари ва тўғри расмийлаштирилишига алоҳида эътибор берилади</p>

Қарши тумани Халқ таълими бўлими МТЕХ бошлиғи

Қарши тумани Халқ таълими бош ҳисобчиси



У. Эгамбердиев

А. Хусинов

Қарши тумани Халқ таълими бўлимига қарашли №9 сон умумтаълим мактаби иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишлари бўйича

МАЛАКА ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Дастлабки малака танлови харид қилиш тартиб-таомилининг бир қисми бўлиб, унинг натижаси давлат харидлари тўғрисидаги шартномани тузиш учун асос ҳисобланмайди.

Дастлабки малака танловини ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари барча учун бир хил ҳисобланади ҳамда давлат харидларининг асосий принципларига зид бўлмаслиги лозим.

Танлаш бошланишидан олдин харид комиссияси иштирокчиларнинг малакавий танловини ўтказди. Танлашнинг кейинги босқичига фақат малака танловидан ўтган иштирокчилар иштирок этишлари мумкин.

Дастлабки малака танловини ўтказиш учун талабгорлар харид қилиш ҳужжатларининг иловасида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Барча малака ҳужжатлари асл нусхаси электрон жойлаштирилиши шарт.

Малака ҳужжатлари талабгор томонидан танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда ва харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида иштирокчининг таклифлари билан бирга юборилади.

Талабгорнинг тақдим қилган ҳужжатларининг тўлиқлиги харид комиссиясининг маъсул котиби (бундан буён матнда котиб деб юритилади) томонидан ўрганилади.

Бунда, котиб томонидан беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда иштирокчилар тақдим қилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ҳамда иштирокчилар ҳақидаги қуйидаги маълумотлар ўрганилади:

Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги маълумотлар (ёки бошқа мамлакатларнинг ўхшаш манбалари);

иштирокчи фаолиятнинг лицензияланган тури билан шуғулланганда, унинг “Лицензия” ахборот тизими ёки лицензияловчи органларнинг расмий сайтларидаги лицензиялар реестрида мавжудлиги;

иштирокчиларнинг махсус ахборот порталида инсофсиз ижрочилар реестрида, шунингдек тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи миқдорини камайтириш ҳуқуқини суинстеъмол қилган корхоналар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

иштирокчининг ишбилармонлик обрўси тўғрисидаги, шу жумладан иштирокчиларнинг расмий веб-сайти, оммавий-ахборот воситалари, у аъзо бўлган тармоқ уюшмалари ва бирлашмалари ҳамда бошқа Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт ва тегишли ахборот тизимлари орқали олинган маълумотлар.

Котиб томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари харид комиссиясига тақдим этилади ва харид комиссиясининг йиғилишида кўриб чиқилади

Харид комиссияси қуйидагиларни кўриб чиқади ва баҳолайди:

котиб томонидан тақдим этилган ўрганиш натижаларини;

иштирокчиларнинг ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва иш тажрибаси;

иштирокчиларнинг молиявий ҳисоботлари, шунингдек солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) иштирокчилар ва уларнинг банк ҳисобрақамлари рўйхатдан ўтказилганлиги ёки ўтказилмаганлиги;

таъсис ҳужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги;

манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

иштирокчиларнинг жорий буюртмачи билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ижро этилмаганлиги ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги бўйича судда иши кўрилганлиги;

иштирокчиларга нисбатан банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги.

Иштирокчиларнинг малака танловини ўтказишда қуйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этишга йўл қўйилмайди ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди:

- малака танлови учун зарур ҳужжатлар тўпламини ўз вақтида топширмаган иштирокчилар;
- закат маблағларини тўлиқ миқдорда ўтказиб берган иштирокчилар (харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинганда);
- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган;
- буюртмачига нисбатан суд ёки арбитраж муносабатлари мавжуд бўлган иштирокчилар;
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган иштирокчилар;
- имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) рўйхатдан ўтказилган ёки мазкур ҳудудларда банк ҳисобрақамлари очган иштирокчилар;
- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган;
- манфаатлар тўкнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари мавжуд бўлган иштирокчилар;
- харид комиссияси томонидан ишчи-ҳодимлар малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан махсус фаолият бўйича тажрибаси, иштирокчиларнинг ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ёки етказиб етказиб салоҳияти ва/ёки қуввати етарли эмас деб топилган иштирокчилар;
- илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган иштирокчилар.

Малакавий баҳолаш мезонлари харид қилиш ҳужжатларини 4-иловасида келтирилган.

Дастлабки малака танлови натижалари харид комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Харид комиссияси баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан дастлабки малака танловидан ўтмаган иштирокчиларнинг таклифларини рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда уларни хабардор қилади.

Дастлабки малака танловидан ўта олмаган иштирокчиларнинг техник ва нархга оид таклифлари кўриб чиқилмайди ва иштирокчиларга қайтариб берилмайди ва бу ҳақида иштирокчиларни таклифларини рўйхатга олиш китобида таклифларни қайтариб юбориш санаси ва вақти қайд этилади.

Қарши тумани Халқ таълими
бўлими мудираси



М. Юсупова

Қарши тумани Халқ таълими
бўлими бош ҳисобчиси

А. Хусинов



"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Қарши тумани Халқ таълими бўлими

Мудираси

М. Юсупова

2022 йил

Қарши тумани Халқ таълими бўлимига қарашли №9 сон умумтаълим мактаби иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишлари бўйича "Энг яхши таклифларни танлаш" электрон тизимида жойлаштирилладиган эълон талабномаси

МАЛАКА ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ Р Ў Й Х А Т И

1	Танлашда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ёзилган ариза
2	Ташкилотнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг танлаш иштирокчисини муҳри билан тасдиқланган нусхаси, талабгор ташкилот низоми ва бошқа умумий тусдаги маълумотлар
3	Кафолат хати, талабгор ташкилот реквизитлари (банк реквизитлари, электрон манзиллари, иш фаолиятига оид умумий маълумотлар) кўрсатилган талабнома, танлашда иштирок этиш манзилли танлаш таклифи
4	Закалат киритилганлигини тасдиқловчи тўлов топшириқномасининг нусхаси ёки банк кафолатининг асл нусхаси (харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинганда).
5	Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги, аудиторлик хулосаси, буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларига киришмаганлиги (зарур ҳолларда) тўғрисидаги маълумотлар, аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслигини тасдиқловчи кафолат хатлари ва бошқа мавжуд ҳужжатлар
6	Молиявий ҳисоботлар (ташки аудитор ташкилотлар томонидан тасдиқланган ёки солиқ органлари томонидан қабул қилинганлиги тасдиқланган ҳолда)
7	Иштирокчиларнинг ишбилармонлик обрўсини (ишчи-ходимлари малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан махсус фаолият бўйича тажрибаси) тасдиқловчи ҳужжатлар
8	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида Давлат солиқ инспекциясининг маълумотномаси. Банк маълумотлари
9	Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза

ИЗОХ: Иштирокчилар ўз хоҳишига кўра фаолиятига доир, шунингдек танлаш предмети учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиши мумкин.

Қарши тумани Халқ таълими
бўлими МТЭХ бошлиғи

У. Эгамбердиев

Қарши тумани Халқ таълими
бўлими бош ҳисобчиси

А. Хусинов

"ТАСДИҚЛАЙМАН"



Қарши тумани Халқ таълими бўлими
мудираси

М. Юсупова

2022 йил

Қарши тумани Халқ таълими бўлимига қаршли №9 сон умумтаълим мактаби иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишлари бўйича "Энг яхши таклифларни танлаш" электрон тизимида жойлаштириладиган эълон талабномаларида ХТБ харид комиссияси томонидан,

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

№	ТАЛАБ НОМИ	БАЛЛ	ТАВСИФИ
1	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар	10	Низом ва гувоҳнома, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари. СТИР ракамлари. Статистик маълумотлар. Бошқа умумий тусдаги мавжуд маълумотлар
2	Танлов иштирокчиси томонидан, танловда иштирок этишини таъминлайдиган малака ҳужжатлари мавжудлиги	24	Танлашда иштирок этиши учун малака ҳужжатлари (1.Танлашда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ёзилган ариза; 2.Танлаш предмети бўйича манзилли жамланма таклиф; 3.Молиявий ҳисоботлар; 4.Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги, аудиторлик ҳулосаси; 5.Кафолат хати; 6.Харид комиссияси раиси номига ёзилган Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза;)
3	Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланиладиган махсус техникалари ва машина механизмлари мавжудлиги	15	Танлов иштирокчисининг махсус техникалари ва машина механизмлари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, техпаспортлар. Ижара асосида фойдаланиладиган техникалар бўйича тасдиқланган ижара шартномаси ва тех паспортлар бўлиши шарт. Бунда лойиха смета ҳужжатларида кўрсатилган таъмирлаш ишларида фойдаланиладиган махсус техникалар ва бошқа механизмлар инobatга олинади.
4	Танловдаги объектга ўхшаш объектлардаги иш тажрибаси. Шунингдек жорий танлаш объекти ҳолатини ўрганиш	15	Ўхшаш объектларда бажарилган ишлари бўйича (тасдиқланган) Ф-2 ва Ф-5 маълумотлари; Аввалги таъмирлаш ишлари бўйича тегишли буюртмачилар томонидан бир неча ижобий тавсияномалар, ёки ҳулосалар; Жорий танлаш объектини жойида ўрганилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.
5	Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолатини кўрсатувчи маълумотлар жамланмаси	20	1.Пудрат ташкилотининг умумқурилиш ишлари бўйича электрон рейтинги тўғрисидаги маълумот; 2.Тўловга қодирлиги ва банк ҳисоб рақамидаги (танлов объекти бошланғич нархининг 20% миқдорида) маблағлар қолдиғи; 3.Солик, банк кредитлари ва бошқа туловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотлар; 4. Объект таъмирлаш ишлари бўйича лот рақами кўрсатилган манзилли банк кафолатининг мавжудлиги

6	Танлов иштирокчисининг ишчи ходимлари тўғрисидаги маълумотлар	16	Ходимлар сони ва тажрибаси тўғрисидаги маълумотлар. (16 нафар ишчи ходимлар учун 16 балгача бўлган мезонда баҳоланади). Маълумотлар ҳаққоний ва меҳнат.уз сайтидан олинган бўлиши шарт. Маълумотларни аниқ кўриниши ва штрих код орқали онлайн текшириш имконияти бўлиши лозим
ЖАМИ		100	

Баҳодаш мезони		Минимал ўтиш бали	
Техник қисм кўрсаткич нисбати	80%	56 балл	
Нарх қисми кўрсаткич нисбати	20%		

Изоҳ: Юқоридаги талабларда кўрсатилган (муддат билан боғлиқ аҳамиятга эга бўлган) маълумотлар барчаси жорий ҳолатда (танлаш эълони амалда бўлган даврлар ҳолатида) тақдим этилиши лозим. Шунингдек маълумотлар асл нусхаси сканерланган ҳолатида жойлаштирилиши шарт. Маълумотларнинг тўғрилиги электрон ва бошқа сўровлар орқали текшириб кўрилиши мумкин. Ёлғон ва ўзгартирилган маълумотлар киритган иштирокчилар аниқланганда ушбу иштирокчилар танловдан четлаштирилади.

Танлов якуни бўйича баҳолаш натижаларидан норози бўлган иштирокчилар, Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2022 йилги ЎРҚ-684-сон "Давлат харидлари тўғрисида" қонунининг 62-моддасига асосан, ўз шахсий кабинетлари орқали 2 иш кунида электрон тизим орқали аниқ далилларга асосланган ҳолда ўз эътирозларини жойлаштиришлари мумкин.

Агар икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади. Шунингдек муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмаслиги тўғрисида огохлантирамыз.

Танлаш харид комиссияси раиси

Танлаш харид комиссияси аъзоси

Танлаш харид комиссияси аъзоси

Танлаш харид комиссияси аъзоси

Танлаш харид комиссияси аъзоси

Танлаш харид комиссияси аъзоси


Танлаш харид комиссияси котиби



Чориева Муҳаббат



Жабборов Низом



Қувватова Гулнора



Турсунов Ёрқин



Бобоева Озода



Зиёдуллаев Ғайрат



Эгамбердиев Улуғбек